

Юртга янада меҳр уйғотувчи муқаддас қўшиқ

Бугун 10 декабр Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳияси қабул қилинганинига 27 йил тўлди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳияси Ўзбекистон Республикаси Давлат суверенитетининг рамзиdir.

Бундан 27 йил муқаддам Ватанимизнинг истиқлонини, истиқболини, миллий менталитетимизни ўзида яққол акс эттирувчи мадҳиямизга эга бўлган эдик.

Мадҳия – киши қалбида миллий ғуур, ўзига хос фахр, энг муҳими, юртга меҳр уйғотади. Бу миллий тимсолда халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги, орзу-ўйи, мақсади жамланган.

Халқимизнинг асрий орзулари жо бўлган мадҳиямиз ёши улуғ инсонлари қалбида орзу истаклар рўёби, шукроналик туйғуларини мужассам этса, ёшлар қалбида миллий ифтихор, ватанпарварлик, фидойилик туйғуларини ифодалайди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов қалами билан битилган пурмаъно, равон мисралар Ўзбекистон халқ артисти, машҳур бастакоримиз Мутал Бурҳонов мусиқаси билан уйғунлашиб, халқимизнинг эзгу орзу-умидлари, келажакка бўлган мустаҳкам ишончини қанчалар улуғворлик билан ифодалагани ортиқча таърифга муҳтож эмас.

Ўзбекистон давлат мадҳияси янграганда, «Серқуёш» сўзи жаранглаши билан бутун вужудимизда ажиб энтикиш, дилимизда чексиз ифтихор туйғусини ҳис этамиз.

Айниқса, юртимиз вакиллари иштирок этадиган халқаро миқёсдаги сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий тадбирлар, спорт мусобақаларида самарали натижалардан сўнг, мазкур шукуҳли тарона жаранглаганда ҳаммамизнинг қалбимиз фахру ифтихорга тўлади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Мадҳиясига зўр эҳтиром билан қараш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг ватанпарварлик бурчидир. Бинобарин, ҳар биримиз бу муқаддас қўшиқни қалбимизда сақлашимиз, меҳр ва муҳаббат илиа куйлашимиз, авайлаб асрashingиз зарур.

Барчамизга ушбу қутлуғ сана муборак бўлсин!

Фото: ЎзА

Ўзбекистон тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2019-12-10 10:28:04